

2/2024,  
mart-  
aprel  
(№ 00070)



## **КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ**

**Жалилов Баходир Амირалиевич**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг мустақил  
изланувчиси [bjalilov1977@gmail.com](mailto:bjalilov1977@gmail.com)*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss2/a2](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss2/a2)

### **Аннотация**

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш улар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш ва техник-технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади. Хусусан, тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳисобидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун зарур бўлган замонавий техника ва технологиялар сотиб олинади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, тижорат банки, кредит, гаров, фоиз ставкаси, инфляция, девальвация, бонификация.

### **ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ ПРАКТИКИ КРЕДИТОВАНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА**

**Джалилов Баходир Амīралиевич**

*Ташкентский государственный экономический университет, независимый исследователь*

### **Аннотация**

Кредитование субъектов малого предпринимательства является необходимым условием обеспечения непрерывности их деятельности и технико-технологического перевооружения. В частности, за счет инвестиционных кредитов коммерческих банков закупаются современные технологии и комплектующие, необходимые для развития деятельности субъектов малого предпринимательства. В статье разработаны научные предложения коммерческих банков Республики Узбекистан, направленные на совершенствование практики кредитования субъектов малого предпринимательства.

**Ключевые слова:** малый бизнес, коммерческий банк, кредит, обеспечение, процентная ставка, инфляция, девальвация, бонификация.

### **OPPORTUNITIES TO IMPROVE THE LENDING PRACTICES OF SMALL BUSINESSES**

**Jalilov Bakhodir Amiralievich**

*Tashkent State University of Economics independent Scout*

### **Abstract**

Lending to small business entities is a necessary condition for ensuring the continuity of their activities and technically-technologically rearmament. In particular, at the expense of investment

loans of commercial banks, modern technologies and technologies necessary for the development of the activities of small business entities are purchased. The article developed scientific proposals by commercial banks of the Republic of Uzbekistan aimed at improving the practice of lending to small business entities.

**Key words:** small business, commercial bank, loan, collateral, interest rate, inflation, devaluation, bonification.

## **Кириш**

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий ўсиш нуқталаридан бири ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият ҳаётининг барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларини қамраб олади. Кредитлаш амалиёти эса кичик бизнесни янада ривожлантириш учун алоҳида рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу сабабли тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида мамлакатимизда янги иқтисодий ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик субъектларининг доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкмасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сонли “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Бизнесни ривожлантириш банкига кичик тадбиркорлик субъектларини ўрганишдан бошлаб молиялаштириш ва ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйгунга қадар бўлган жараёнда моддий ва техник қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, ижобий кредит тарихига эга кичик тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган кредитлаш тизимини жорий қилиш, «бизнес ипотекаси» амалиётини жорий қилиш ва ҳудудларнинг мастер-режасини ишлаб чиқиб, коммуникация ва инфратузилмага уланган объектларни ипотекага бериш кўзда тутилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 ноябрдаги ПҚ-366-сонли “Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини ўқитиш орқали уларнинг бизнес ташаббусларини молиявий ва консултатив қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш ва “оилавий тадбиркор — микробизнес — кичик бизнес — ўрта бизнес” занжири асосида уларнинг фаолиятини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини Бизнесни ривожлантириш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сонли Қарори. Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.09.2023 й., 07/23/306/0706-сон.

банки, Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ва ҳамкор тижорат банкларидан иборат яхлит тизим асосида қўллаб қувватлаш чоралари белгилаб берилган.

Бундан ташқари, Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорларига асосан республикада микромолия хизматлари оммабоплигини ошириш, аҳолининг кенг қатламлари тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, 2024 йилда кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш ҳамда микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг мақсадли кўрсаткичлари ва ажратиладиган ресурслар ҳажми белгилаб берилган.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ж.Синки ёзадики, АҚШда кичик бизнесга молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида етакчи мавқеини тижорат банклари эгаллагани ҳолда, улар томонидан кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган молиявий хизматлар мажмуида муддатли кредитлар ва лизинг кредитлари бериш ҳамда кредит линияси очиш йўли кредитлар бериш муҳим ўрин тутди<sup>3</sup>.

Ж.Синкиннинг мазкур хулосаси ҳозирги давр банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, лизинг кредитлари аниқ таъминотга эга бўлганлиги сабабли, кредит риси даражаси нисбатан паст бўлган кредит шакли ҳисобланади; иккинчидан, кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш бир қатор афзалликларга эга (мижоз ҳар сафар банкка кредит сўраб мурожаат қилиш заруриятдан халос бўлади, кредитлаш лимитининг фақат ишолатилган қисми учун фоиз тўланади, банк кредитдан мақсадли ишлатилишини назорат қила олади).

Ф.Аллен ва Д.Гейл ўзларининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда, шундай хулоса қилади: “кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этишади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади”<sup>4</sup>.

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуа ўзларининг кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришга бағишланган илмий тадқиқотида хулоса қиладики, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилади<sup>5</sup>.

В. Сафаряннинг фикрича, факторинг реал бозор салоҳиятига – товарларни сотиш ҳажмини ўстириш учун имкониятга эга бўлган, лекин айланма маблағлари етишмайдиган кичик корхоналар учун кредитлашнинг истиқболли шакли ҳисобланади<sup>6</sup>.

А.Стахнюкнинг хулосасига кўра, кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилаётган

<sup>3</sup> Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 590-591.

<sup>4</sup> Allen F., Gale D. Comparing Financial Systems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.

<sup>5</sup> Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.

<sup>6</sup> Сафарян В.Р. Факторинг как источник финансирования малых предприятий//Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №2. – С. 73.

асосий оомиллар бўлиб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмини етарли даражада ривожланмаганлиги, гаров объектлари сифатининг паст эканлиги, мижоз фаолиятининг ошкора эмаслиги, иқтисодиётнинг реал секторидаги бир йилдан ортиқ муддатдаги инвестициялар учун зарур бўлган ресурсларнинг, айниқса, арзон ва узоқ муддатли ресурсларнинг етарли эмаслиги ҳисобланади<sup>7</sup>.

Н.Урманованинг хулосасига кўра, қишлоқ кредит кооперативларини ташкил қилиш йўли билан кичик бизнес субъектларини микромолиялашнинг самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- кредитлаш;
- жамғармалар қабул қилиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш;
- ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш;
- маслаҳат хизмати кўрсатиш<sup>8</sup>.

И.Рахмонов томонидан тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини микромолиялаш амалиётини такомиллаштиришнинг қуйидаги имкониятларининг мавжудлиги асослаб берилган:

– республика Марказий банкининг тижорат банкларининг бир йилгача муддатга жалб қилинган муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларини 50 фоизга пасайтирилиши (50% миқдорида пасайтириш натижасида қоладиган пул маблағларини микрокредит сифатида бериш шарти билан) лозим;

– микромолиялаш ташкилотларининг тижорат банкларидаги муддатли депозитларига нисбатан Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси қўлланмаслиги лозим<sup>9</sup>.

И. Алимардонов ўзининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга бағишланган диссертацион тадқиқотида молиявий коэффицентлар таркибига қўшимча равишда фойда меъёри коэффицентларини, қарзга хизмат кўрсатиш коэффицентини ва кредитор қарздорликнинг айланиш коэффицентини киритиш йўли билан кичик бизнес субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш методикасини такомиллаштиришни таклиф қилган<sup>10</sup>.

#### **Тадқиқот методологияси**

Илмий тадқиқотни амалга оширишда эксперт баҳолаш усулидан, қиёсий, таркибий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кичик бизнесни кредитлашга оид бўлган статистик маълумотларидан ва кичик бизнес кредитлаш амалиётига оид бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, кичик

<sup>7</sup> Стахнюк А.В. Малый бизнес: проблема доступности кредитов//Деньги и кредит. – Москва, 2010. - №3. - С. 25-26.


<sup>8</sup> Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ташкент, 2012. – С. 21.

<sup>9</sup> Рахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 16.

<sup>10</sup> Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 28.

бизнес субъектларининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролининг юқори эканлиги ва уларни кредитлаш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги билан изоҳланади.

Ҳозирги даврда республикамиз банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг ресурс манбаи бўлиб, банкларнинг жалб қилган депозитлари, хорижий кредитлар, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобланади.



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларига ва якка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитлар, млрд. сўм<sup>11</sup>**

1-расм маълумотларидан кўринадики, республикамизда, 2021-2023 йилларда тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг миқдори ҳам, якка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитларнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамиз банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг даражасига баҳо берамиз (1-жадвал).


**1-жадвал  
Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг даражаси, фоизда<sup>12</sup>**

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Кредитлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0
Кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	39,8	31,7	15,5	13,5

<sup>11</sup> Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

<sup>12</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2020-2023 йилларда республикада тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг жами кредитларга нисбатан даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.



**2-расм. Ўзбекистон банклари томонидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %<sup>13</sup>**

2-расм маълумотларидан кўринадики, республикада тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки, кредитларнинг фоиз ставкаси уларнинг баҳоси ҳисобланади. Шу сабабли, кредитларнинг фоиз ставкасини юқори бўлиши кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади.

Эътироф этиш жоизки, республикада инфляция ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини юқори эканлиги банклар томонидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида асосий бўғинлардан бири бўлган Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ шаклида қайта ташкил этилиши ҳамда компания томонидан қўшимча молиявий механизмларнинг йўлга қўйилиши кичик бизнес субъектлари учун янги имкониятларни яратмоқда. Хусусан, эндиликда компания томонидан нафақат кафиллик ва компенсация инструментлари, балки кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш ҳамда

**13** <sup>13</sup> Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

лизинг хизматларини кўрсатиш мақсадида тижорат банклари ва лизинг компанияларига ресурслар жойлаштириш тизими ҳам йўлга қўйилди.

Бугунги кундаги банк секторига рақобатнинг кучайиб бориши, банк хизматларига кичик бизнес субъектлари томонидан талабнинг ошиб бориши бу соҳада трансформация жараёнларини жадаллаштириш, кредитлаш жараёнларини автоматлаштириш келгуси йиллар учун устувор вазифаларни белгилаб олишни тақозо этмоқда.


Юртимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришда хорижий банклар тажрибасининг аҳамияти жуда катта.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) тажрибаси мисолида қарайдиган бўлсак, банк кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини кенгайтириш учун биринчи навбатда халқаро стандартлар асосида кредитловчи мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашни йўлга қўйди ҳамда кредит хатарларини бошқариш тизимини ишлаб чиқди. ЕТТБ стандартларига асосан кредитлар ажратишда коррупция ҳолатларини олдини олиш мақсадида кредитлаш жараёнларида кредит маҳсулотларини сотиш ва кредит хатарларини таҳлил қилиш функциялари бўйича аниқ чегара белгиланган.

ЕТТБ кредитлаш стандартларининг тижорат банкларида тадбиқ этилиши натижасида қуйидаги натижаларга эришилади:

- самарали кредитлаш жараёни;
- мижоз (кичик бизнес субъекти) нинг аниқ портрети;
- йўлга қўйилган сотув каналлари;
- кредитлаш жараёнларининг рақамлаштирилганлиги;
- кредитловчи ходимларнинг асосий самарадорлик кўрсаткичларидан келиб

чиқиб аниқ рағбатлантириш тизимининг мавжудлиги.




**3-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг маҳсулот экспорт ва импорт ҳажмининг ўзгариш динамикаси, млрд. АҚШ долл.<sup>14</sup>**

<sup>14</sup>Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

3-расм маълумотларидан кўринадик, республикамизда, 2021-2023 йилларда кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган маҳсулотлар экспорти ҳажми ҳам, импорти ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Ушбу ҳолат эса кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо операцияларини амалга оширишда экспорт олди молиялаштириш ҳамда хом-ашё ва материалларни импорт қилишда айланма маблағларга эҳтиёжининг ортиб боришига олиб келади.

Кичик бизнес субъектлари томонидан ташқи савдо операцияларини амалга оширишда уларни айланма маблағлар билан таъминлашда савдони молиялаштириш инструментлари (аккредитив, дисконтлаш, банк кафолатлари) дан фойдаланиш мижозлар учун харажатларни оптималлаштириш имкониятини яратади.



**4-расм. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига хорижий валютада берилган кредитлар ҳамда савдони молиялаштириш инструментларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %<sup>15</sup>**

4-расм маълумотларидан кўринадик, кичик бизнес субъектларига хорижий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, кичик бизнес субъектлари учун хорижий валютада жалб қилинадиган кредитларнинг жозибadorлигини камайишига олиб келади.

Ўз навбатида, савдони молиялаштириш операциялари пул маблағлари ҳаракатсиз амалга оширилиши ҳисобига ушбу инструментлар бўйича ўрнатиладиган фоиз ставкалари анъанавий кредитлашдаги фоиз ставкаларига нисбатан қулай ва арзонга айланади.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Илмий тадқиқотни бажариш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

\*тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган молиявий хизматлар мажмуида муддатли кредитлар ва лизинг кредитлари бериш ҳамда кредит линияси очиш йўли орқали кредитлар бериш муҳим ўрин тутди;

\*кичик бизнес субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилаётган асосий омиллар бўлиб, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмини етарли даражада ривожланмаганлиги, гаров объектлари сифатининг паст эканлиги, мижоз фаолиятининг ошкора эмаслиги, иқтисодиётнинг реал секторидаги бир йилдан ортиқ муддатдаги инвестициялар учун зарур бўлган ресурсларнинг, айниқса, арзон ва узоқ муддатли ресурсларнинг етарли эмаслиги ҳисобланади;

\*2021-2023 йилларда тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг миқдори ҳам, яқка тартибдаги тадбиркорларга берилган кредитларнинг миқдори ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган;

\*2020-2023 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг жами кредитларга нисбатан даражасини пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади;

\*республикамиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасини 2021-2023 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлганлиги кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикамизда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётининг самарадорлигини ошириш учун, биринчидан инновацион кредитлаш шаклларини (овердрафт, контокоррент, факторинг, форфейтинг) кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётига жорий қилиш керак; иккинчидан, ишлаб чиқарган маҳсулотининг 50 фоиздан ортиқ қисмини экспорт қиладиган кичик бизнес субъектларига хорижий валюталарда берилган кредитларнинг фоиз ставкасини камида 50 фоизини давлатнинг маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш зарур.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакат экспортининг ҳажмини 2026 йилга бориб 30 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган. Бу эса, кичик бизнес субъектларининг экспортини кредитлаш ҳажмини ошириш заруриятини юзага келтиради.

2. Тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг умумий ҳажмида кичик бизнес субъектларига берилаётган кредитларнинг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш мақсадида, биринчидан, кичик бизнес субъектларига бериладиган кредитлар билан боғлиқ бўлган кредит риси ва девальвация рисини баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш керак; иккинчидан, тижорат банклари ресурсларининг умумий ҳажмида барқарор ресурсларнинг салмоғини юқори ва барқарор даражасига эришиш лозим; учинчидан, кичик бизнес

субъектларига берилган кредитлар билан уларни кредитлаш мақсадида жалб қилинган ресурслар ўртасидаги миқдорий мутаносибликни таъминлаш зарур.

3. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашда илғор хорижий банklar тажрибасини амалиётга тадбиқ этиш, банklarнинг трансформация жараёнларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътиборни кредитлаш жараёнида бевосита иштирок этувчи банк мутахассисларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришга, кредит хатарларини бошқариш тизимини йўлга қўйишга қаратишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

4. Кичик бизнес субъектларини айланма маблағлар билан доимий равишда таъминлаб боришда савдони молиялаштириш инструментларидан кенг фойдаланилган ҳолда молиялаштириш ишларини кенгайтириш зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги ПҚ-306-сонли Қарори. Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.09.2023 й., 07/23/306/0706-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 ноябрдаги ПҚ-366-сонли Қарори. Аҳолини кичик ва ўрта бизнесга кенг жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги.

4. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 590-591.

5. Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.

6. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.

7. Сафарян В.Р. Факторинг как источник финансирования малых предприятий//Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №2. – С. 73.

8. Рахмонов И.Х. Ўзбекистон Республикасида микромолиявий хизматларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б. 16.

9. Урманова Н.Р. Перспективы развития микрофинансирования в Узбекистане. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Ташкент, 2012. – С. 21.

10. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 28.